O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 4-DEKABR ■ PAYSHANBA ■ 142 (27.162) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ВАТАН МУКОФОТИ — ХОРАЗМ ЭЛИГА ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ





Хоразм кўҳна тамаддун бешикларидан ҳисобланади. «Авесто» қадар қадимий юрт. Ўтмиши бой, келажаги мунаввар. Дунёга Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби машҳур алломаларни етказиб берган табаррук замин.

Мамлакатимиз мустақиллиги кўҳна Хоразм тарихида янги — буюк юксалиш даврини бошлаб берди. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ миллат ғурурини уйғотиш, унинг бой меросини, улуғ алломаларини, асрий анъаналарини дунёга машҳур этишга бел боғлаган Юртбошимиз қадим Хоразм маданиятига ўзгача меҳр билан қарайди. Ўтган йилларда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Айниқса, Жалолиддин Мангубердидек миллатнинг ҳақиқий ўғлонига, юрт фидойисига алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши ҳам буюк аждодларга юксак эҳтиром рамзидир.

Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бири бўлмиш Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуғ иш бўлур эди», деган эди. 1997 йилнинг 11 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бугун ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология каби илмий бўлимлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, турли соҳалардаги янгиланишлар вилоят халқ хўжалиги тизимини тубдан ўзгартирди. Одамларнинг меҳнатга, мулкка муносабати ўзгарди. Улар ўз келажаги ва юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатмоқда.

Юртбошимиз хоразмлик деҳқонларнинг ҳар бир кунини жасоратга менгзаган эди. Дарҳақиқат, мураккаб иқлим шароитида меҳнат қилаётган вилоят деҳқонлари эришаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Улар бу йил ҳам ғалла, пахта етиштиришда улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатимиз тарихида илк бор шолидан энг юқори ҳосил олинди. Бунда хоразмлик миришкорларнинг катта ҳиссаси бор.

Вилоят қишлоқ хўжалиги тизимида фермер хўжаликлари муҳим ўрин тутади. 6 минг 170 фермер хўжалиги меҳнати билан вилоятда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ортиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини кўрсатяпти. Болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ Хоразм вилояти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини топшириш учун 2 декабрь куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тантанали маросимни Хоразм вилояти ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Бобожонов очди.

(Давоми 2-бетда.)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИГА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Авваламбор, мен бугун қадимий ва бетакрор Хоразм заминига қадам қўйиб, сиз азиз юртдошларим билан дийдор кўришиб, сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, барчангизни бардам, яхши кайфиятларингизни кўриб, хурсанд бўлганимни билдирмоқчиман.

Ва сиз азизларга, сиз орқали бутун Хоразм аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Барчангизга маълум: истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Хоразм вилояти ўзининг буюк хизматлари учун, аввало, аждодларимизнинг тарихий ва маънавий анъаналарини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти — Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган эди.

Барчангизни, бутун Хоразм элини ана шу мукофот билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги воқеанинг яна бир муҳим томони шундаки, Ватан озодлиги йўлида мардона курашиб, жон фидо этган буюк аждодимиз, жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган бу орден Ўзбекистон тарихида илк марта топширилмоқда. Ва бу орденнинг биринчи бўлиб айнан Хоразм вилоятига берилишида теран маъно бор.

Мен бу юксак мукофотни авваламбор минг йиллик қадимий цивилизация бешиги бўлган шу муқаддас заминга, дунёга Мусо Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий ва Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий сингари буюк зотларни берган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизнинг обрўсини оширишга ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Хоразм элига давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзи сифатида қабул қилишингизни истардим.

Албатта, бундай юксак мукофот фақат бир йиллик натижалар учун эмас, балки минг-минглаб одамларнинг кўп йиллар давомида юртни обод қилиш, эл фаровонлигини ошириш йўлидаги фидокорона меҳнати учун берилишини, ўйлайманки, барчангиз яхши тушунасиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Хоразм вилояти кейинги йилларда ҳавас қилса арзийдиган марраларни қўлга киритмоқда.

Саноат соҳасини оладиган бўлсак, бундай ютуқларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларда, янги-янги соҳалар ва корхоналар пайдо бўлишида — вилоятда шакардан тортиб мева шарбатигача, экспортбоп ип калавадан тортиб замонавий кийим-кечакларгача, машҳур Хива гиламларидан тортиб экскаваторгача, бир сўз билан айтганда, ички ва ташқи бозоримизда харидоргир бўлган турли маҳсулотлар тайёрланаётганида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда воҳада 27 та қўшма корхона ишлаб тургани, вилоят иқтисодиётига 161 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция киритилгани, биргина 2003 йилда 4 та янги қўшма корхона ташкил этилгани ҳам иқтисодиёт ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Ўзимизда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш ва шунинг ҳисобидан мамлакатимизга кўпроқ валюта маблағлари олиб келиш борасида ҳам вилоятда диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Жумладан, етиштирилган пахта ҳосилининг 15 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда.

Мана шу залда ўтирган мутахассис ва раҳбарлар яхши билади, илгари, собиқ шўро даврида бу кўрсаткич 3 фоиздан ошмас эди.

Кўриб турганингиздек, қисқа вақт ичида биз бу борада катта ютуққа эришдик, лекин фақат шу билан чекланиш бизга тўғри келмайди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм вилоятида яна бир замонавий тўқимачилик фабрикаси — «Бурсел-Боғот текстиль» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори бу соҳада келажакни ўйлаб, изчил иш олиб бораётганимиздан далолат беради.

(Давоми 2-бетда.)

# АНДИЖОН АҲЛИНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ, АЗМУ ШИЖОАТИ ВА ЖАСОРАТИНИ ХАЛҚИМИЗ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

Истиқлол, Ҳурлик, Озодлик! Бу муштарак, муқаддас тушунчалар маъно-моҳиятини чуқур англаб етган халқимиз ўзининг беқиёс куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этиш имконига эгалигини қалбан ҳис этиб яшамоқда. Бугун дунё ўзбекка, Ўзбекистонга қараб ҳайратланаётир. Қисқа муддатда Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг мардонавор меҳнати эвазига бунёдга келган ривожланишнинг «ўзбек модели» халқаро миқёсда эътироф этилаяпти.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш ҳамда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган туб ислоҳотларни ҳаётга жорий этилишида ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ўрни бор. Андижон ҳақида гап кетганда, вилоятнинг меҳнаткаш халқи эришаётган улкан ютуқларни тилга олмоқ жоиздир.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, андижонликлар бир ишга бел боғласа, астойдил, бутун борлиғи билан киришади, кўзлаган ниятига эришмагунича тиним билмайди.

Дарҳақиқат, сўзи билан иши бир, доимо изланиб яшайдиган, ташаббускор андижонликлар истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигининг барча соҳасида ўзига хос мактаб яратди.

(Давоми 3-бетда.)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам Андижон аҳли!

Бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз азизлар — Андижон элининг вакиллари билан юзма-юз бўлганимдан, сизларнинг кўзларингизда, чеҳрангизда табассум, хотиржамлик, бардамлик кайфияти, қувонч туйғуларини кўриб, беҳад мамнун эканимни изҳор этмоқчиман.

Ва мана шундай учрашувлар тез-тез бўлиб туришини, дийдор кўришувларимиз доимо тинч ва осуда, хурсандчилик вазиятида ўтишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз, десам, ўйлайманки, барчамизнинг орзу-умидларимизни ифода қилган бўламан.

Юртимизда мўътабар Рамазон ҳайити байрамини кутиб-кузатиб турган шу кунларда ҳаётимизда муҳим ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик воқеалар бўлиб ўтаётганидан, албатта ҳаммангиз хабардорсиз.

Бугун ҳам барчамиз яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи ва иштирокчилари бўлиб турибмиз.

Мамлакатимиз салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни амалга оширишда фидойилик ва ташаббускорлик кўрсатаётган, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, ёшларимизни элу юртга садоқат руҳида тарбиялаш борасида катта ютуқларни қўлга киритаётган Андижон вилоятига Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур орденини топширишга бағишланган тантанали маросимда қатнашмоқдамиз.

Авваламбор, халқимиз, давлатимизнинг вилоят меҳнаткашларига, бутун Андижон аҳлига ишонч ва эътирофининг юксак ифодаси бўлмиш мана шу олий мукофот билан сиз азизларни, барча-барча андижонликларни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Қадрли биродарлар!

Андижон ҳақида, бу гўзал юртнинг қадимий тарихи, бу ерда яшайдиган одамларнинг ноёб фазилатларга эга экани, мардлиги ва вафодорлиги, ташаббус ва изланувчанлиги ҳақида кўп гапириш мумкин.

Барчамиз яхши тушунамиз, чуқур англаймизки, Парвардигоримизнинг ўзи ҳар қайси инсон ва элга ўзига хос ақл-идрок, куч ва қудрат, хусусият ва турли аломатларни ато этади.

Ҳар қайси эл-юртда бундай хусусият ва ижобий сифатларнинг рўёбга чиқиши учун албатта зарур вазият ва шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак.

Ўйлайманки, агар Андижон элининг ўзига хос салоҳияти, ана шундай олижаноб фазилатлари айниқса истиқлол йилларида — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш жараёнларида яққол намоён бўлмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда саноат, ишлаб чиқариш тармоқларини оласизми, қишлоқ хўжалиги ёки ижтимоий соҳалар бўладими — уларнинг барчасида Андижон вилояти салмоқли натижаларга эришмоқда.

Албатта, бу муваффақиятларнинг сабаб ва омиллари кўп, лекин шахсан мен бунинг сирини, аввало, шу элнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган аломат ва хосиятларида, яъни «анжанча» феъл-атворида, деб биламан.

Бошқа вилоятларимизни камситмаган ҳолда, очиқ айтишимиз керакки, Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида ҳам обрў-эътибор топмоқда.

Бу фикрнинг тасдиғини вилоятда Америка Қўшма Штатлари ва Англия, Германия ва Франция, Италия ва Хитой, Япония ва Жанубий Корея каби ривожланган давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган 90 дан ортиқ қўшма корхона ишлаб турганида, вилоят иқтисодиётига умумий қиймати 1 миллиард 218 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар киритилганида ҳам кўришимиз мумкин.

Барчамиз тушунамиз, дунёнинг бизнес оламида кўп нарсани кўрган бу одамлар анойи эмас, улар ҳамма билан ҳам ҳамкорлик қилавермайди.

(Давоми 3-бетда.)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш, капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларида унинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг муҳим вазифалари ҳисоблансин:

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

капитал қурилишда ислоҳотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг ролини ошириш, қурилишда нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш;

капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сони 96 нафар, шу жумладан бошқарув ходимларининг сони 85 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси;

ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони доирасида раиснинг уч нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари ҳамда 9 кишидан иборат ҳайъат бўлишига рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмита марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг мазкур Қўмита таркибида:

Иқтисодиёт ва қурилишни ташкил этиш, янги технологиялар илмий-тадқиқот институти негизида Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш;

Пудрат савдоларини (тендерларни) ташкил этиш республика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг капитал қурилишда нархларни шакллантириш минтақавий марказлари негизида Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари ташкил этиш;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасининг Стандартлаштириш ва сертификатлаш бошқармаси негизида хўжалик ҳисобидаги Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бир ой муддатда Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази ҳамда Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказининг тузилмасини ва Марказлар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

5. Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг намунавий тузилмалари, шунингдек улар тўғрисидаги намунавий низомлар маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда.)

# «КОНСТИТУЦИЯ — АДОЛАТ, ВАТАН, ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ КАФОЛАТИДИР»

Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси профессор-ўқитувчилари, тингловчилари ва ходимлари ўртасида Бош Қомусимизни тарғиб қилиш кенг йўлга қўйилган. Академия ҳудудида асосий Қонуннинг моҳиятини ва ҳар бир моддасини акс эттирувчи «Конституция боғи» барпо этилган.

Куни кеча Солиқ академиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан «Конституция — адолат, Ватан, халқ манфаатининг кафолатидир» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарни академия ректори, тарих фанлари доктори, профессор Наим Обломуродов очди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов «Конституция — бахтимиз пойдевори», Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори А.Турсунов «Қонунчилик палатаси ва сенат фаолияти», республика Конституциявий Суди раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев «Ўзбекистон Конституцияси — миллий тараққиётимиз таянчи», республика Олий хўжалик суди Солиқ низолари бўйича судлов ҳайъати раисининг ўринбосари К.Убайдуллаев «Одил суд — барча ижтимоий эзгуликнинг пойдевори», «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати И.Латипов «Конституцияни ўрганишда ва тарғибот қилишда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг роли» мавзуида маърузалар қилишди. Маърузачилар тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Илмий-амалий семинарда Бош Қомусимизни ҳар бир фуқаронинг, айниқса, талаба ёшларнинг ҳаёт дастурига айлантириш ҳамда уларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Намоз ЧОРШАНБИЕВ**

# ОЧИҚ ДУНЁ ДАСТУРИ

Бу дастур турли соҳаларда фаолият юритаётган етакчи вакилларни АҚШга таклиф этади. Ўзбекистондаги Очиқ Дунё дастурининг биринчи қатнашчилари ҳам сафарга отланди. Делегатлар иқтисодий ривожланиш, соғлиқни сақлаш ва мустақил матбуот масалаларига қаратилган 10 кунлик касбий-интектив дастурда қатнашадилар.

Улар давлатнинг иқтисодий ислоҳотлардаги ўрни, инвестиция, халқаро ҳамкорлик, тадбиркор аёллар, қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш, сил, ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш ва матбуотдаги демократия масалаларига эътибор қаратадилар.

Иштирокчилар маданий-маънавий фикр алмашиш билан бир қаторда АҚШ ҳукумати даражаларининг (федерал, давлат, маҳаллий) ўзаро мажбуриятлари ва муносабатларини ўрганадилар.

— Бу Ўзбекистон ва АҚШ фуқаролари учун бир-бирини ўрганиш ва дўстона алоқалар ўрнатиш учун катта имкониятдир, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишончли вакили Девид Эплетон.

Ўзбекистонлик меҳмонлар Америка оилаларида яшайдилар. Улар учун саёҳат ва ўзаро мулоқот тадбирлари уюштирилади.

**Анвар САМАДОВ**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

# АНДИЖОН АҲЛИНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ, АЗМУ ШИЖОАТИ ВА ЖАСОРАТИНИ ХАЛҚИМИЗ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Андижон элининг ақл-заковати, қобилияти, меҳнатсеварлиги, ўз сўзида қатъий туриши мана шундай шерикчилик алоқаларини ўрнатишда муҳим омил бўлаётгани сир эмас.

Шу ўринда замонавий автомобиллар ишлаб чиқараётган «ЎзДЭУавто» заводи, илғор технологиялар билан жиҳозланган «Алишер Навоий интернешнл», «Андижон кабель», «Андижон полипропилен» каби йирик қўшма корхоналар, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари бугун ўз маҳсулотларини дунёнинг 38 мамлакатига экспорт қилаётганини ҳам қайд этиш лозим.





Азиз дўстлар, шу қувончли дамларда сизларнинг ғайрат-шижоат акс этиб турган очиқ чеҳрангизга боқиб, бугун тарих мулкига айланган, менинг хотирамга чуқур ўрнашиб қолган айрим лавҳалар кўз ўнгимда гавдаланмоқда.

Ҳозиргидек эсимда, 1992 йилнинг 3 июлида, Олий Кенгашимизнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтаётган бир пайтда, мен жанубий кореялик ишбилармонлар билан бирга Асака шаҳрига келган эдим. Мақсад — Ўзбекистонимизда замонавий автомобиль заводи қуриш учун танланган жой билан ҳамкорларимизни таништириш эди. Албатта, биз бу масалада республикамиздаги бошқа кўп жойларни ҳам ўрганиб чиққан, уларнинг имкониятларини ҳисоб-китоб қилган эдик. Лекин пировардида бўлғуси завод учун Асака шаҳрини танладик.

Бундай қарорга келишимизга нафақат бу ерда зарур шарт-шароитнинг мавжудлиги, балки Андижон аҳлининг омилкорлиги, ўз мақсади йўлида тиниб-тинчимаслиги, бошлаган ишини албатта охирига етказиш каби хусусиятлари ҳам сабаб бўлди, десам, муболаға бўлмайди.

Биз қурилиш лойиҳасини амалга оширишга киришганимизда, кўпчилик бунга ишончсизлик билан қараган, ҳатто баъзи бир узоқ ва яқин қўшниларимиз орасида «Бу ишни СССРдай кучли давлат ҳам уддалай олмагану, Ўзбекистонга ким қўйибди!» — деганлар ҳам бўлган эди.

Лекин халқимиз, аввалambor, андижонликлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, уни рўёбга чиқариш учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилди. Биз бу йўлда қандай қийинчилик ва муаммоларга дуч келганимизни ўзимиз ва фақат ўзимиз биламиз.

Бу борада етарли тажрибамиз бўлмаса-да, барча муаммо ва тўсиқларни мардона енгиб ўтиб, шу эл-юрт қандай буюк ишларга қодир эканини амалда исботладик.

Энг муҳими, бу замонавий корхонанинг барпо этилиши наинки вилоят аҳли, айни пайтда бутун халқимизнинг тафаккури ва руҳиятини тубдан ўзгартириб, унинг ғururини юксалтиришга, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилганини бугун фахру ифтихор билан таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Ҳаммангизга яхши маълум, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, кучли рақобатга бардош бериш, унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш осон иш эмас, албатта. Бу йўлда учраётган кўп-кўп муаммо ва қийинчиликларни енгишда инсон омили — заводнинг навқирон жамоаси, аввало бу ердаги ёш ишчи ва мутахассисларнинг малакаси, иқтидори, ишни ташкил қилиш маданияти, ўз корхонасига, ўз касбига муносабати, садоқати энг асосий таянчимиз бўлди, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Корхонада ҳозирга қадар 342 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилгани ва унинг 24 фоизи хорижга экспорт қилингани, янги ҳамкоримиз — Америка Қўшма Штатларининг «Женерал Моторс» компанияси ёрдамида «Матиз», «Ласетти» сингари янги русумдаги енгил машиналар чиқариш йўлга қўйилгани ҳам заводнинг замон талаблари асосида ишлаётганини кўрсатади.

Ҳурматли дўстлар, биродарлар!

Бугун сизлар билан бирга ёдга олсак арзийдиган, эслаганда кишини ҳаяжонга соладиган, кўнгилда ғурур-ифтихор уйғотадиган бундай воқеаларни Андижон вилояти мисолида кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистонимиз қўлга киритган ғалла мустақиллиги масаласида ҳам бу вилоят ва унинг меҳнаткаш, ишбилармон деҳқонлари ҳал қилувчи ўрин тутди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ёдингизда бўлса, тўқсонинчи йилларнинг бошларида биз четдан ҳар йили беш ярим миллион тонна ғаллани нақд валютага сотиб олар эдик.

Бунинг сабабини яхши биласизлар — шўро даврида қишлоқ хўжалигимиз асосан Марказ учун арзон пахта хомашёси етказиб беришга мослаштирилган эди.

Ва ўша даврда иродаси заиф баъзи раҳбарларимиз Марказнинг кўрсатма ва буйруқларига кириб, таъбир жоиз бўлса, фақатгина уйларимизнинг томларига пахта эктирмади, холос.

Мана шу мураккаб вазиятдан фойдаланиб қолишга уринган айрим ташқи ва ички сиёсий найрангбозлар ғалла масаласини ёш, мустақил давлатимизга тазйиқ ўтказиш, уни юртимиз тинчлигини портлатиш қуролига айлантирмоқчи бўлгани ҳам сир эмас.

Натижада 1991 йили биз бу борада жуда оғир ҳолатни бошимиздан кечирганмиз. Бугун энди очиқ айтса бўлади, ўша қалтис пайтда мамлакат деярли очарчилик арафасида турган эди.

Ана шунда биз бу ҳаёт-мамот масаласида бировга қарам бўлмаслигимиз, ўз донимиз, ўз нонимизни ўзимиз етиштиришимиз керак, деган қатъий қарорга келдик. Лекин бу мақсадни рўёбга чиқариш осон бўлгани йўқ.

Аввало, бу ғоя эскича қарашлар ва баъзи консерватив кучларнинг қаршилигига дуч келди. Бунинг муайян сабаблари ҳам бор эди, албатта.

Етмиш йил давомида асосан пахта экиб келган тармоқда ғаллачилик бўйича етарли тажриба орттирилмаган, уруғчилик ривожланмаган, ғаллачиликка ихтисослашган техника ҳам деярли йўқ эди.

Содда қилиб айтганда, ота-боболаримиздан қолган ғаллачилик маданиятини ҳам йўқотиб қўйган эдик.

Бундай мушкул шароитда Андижон деҳқонлари бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, биринчи бўлиб «лаббай» деб майдонга чиқди ва шижоат билан ишга киришди. Барча қийинчиликларни тадбиркорлик, ишбилармонлик, изланувчанлик билан бартараф этиб, чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатди.

Ўзингиз ўйланг, тўрт-беш йил ичида вилоят бўйича ғалла ҳосилдорлиги гектарига 34 центнердан 75 центнерга кўтарилгани ҳақиқий меҳнат жасорати эмасми?

Қисқа муддат ичида вилоятда ғалла уруғчилиги базаси яратилиб, дон етиштиришнинг «Андижон технологияси» ишлаб чиқилгани ҳам жуда катта иш бўлди.

Ҳозирга қадар бу ерда буғдойнинг ўндан ортиқ янги нави, хусусан, «Чиллаки», «Андижон-2» каби маҳаллий шароитда юқори ҳосил берадиган, тезпишар навларнинг яратилгани айниқса таҳсинга сазовор.

Ишончим комил, Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш ишига андижонлик деҳқонларнинг қўшган ҳиссасини, мардлиги ва жасоратини халқимиз, тарихимиз ҳеч қачон унутмайди.

Ва шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, шу залда ўтирган азизларга, сиз орқали бутун Андижон аҳлига мана шу юксак минбардан туриб, ўша мураккаб дамларда давлат раҳбарини қўллаб-қувватлаганингиз учун, кўрсатган мардлик ва шижоатингиз учун таъзим қиламан.

Азиз дўстлар!

Халқимизда, кўпни кўрган деҳқонларимизда «Йил йилга ўхшамайди», деган бир нақл бор.

Ҳақиқатан ҳам, бу йил табиий шароит қишлоқ хўжалигимиз, жумладан, Андижон вилояти учун ҳам ҳар қачонгидан оғир бўлди. Баҳордаги кучли жала, дўл ва селлар оқибатида катта-катта майдонларда чигитни қайта экишга тўғри келди, ёзда ҳароратнинг етарли даражада бўлмагани натижасида ҳосил кечикиб кетди.

Лекин шундай оғир вазиятда ҳам андижонлик пахтакорлар астойдил меҳнат қилиб, қарийб 280 минг тонна ҳосил олишга эришдилар.

Барчамиз Андижон аҳлининг иродаси ва қатъиятини яхши биламиз. Мен ишонаман, вилоят меҳнаткашлари ва пахтакорлари янги мавсумларда бўш келмайди, олдига қўйган марраларга албатта етади.

Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ, десам, асло муболаға бўлмайди. Бунинг боиси — қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш бўйича Андижон вилоятида амалга оширилаётган самарали ишлардир.

Айниқса, андижонлик уста пахтакорларнинг ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, деҳқончиликда янги усул ва технологияларни жорий этиш борасида ўзига хос мактаб яратганини бугун барча-барча эътироф этмоқда.

«Андижон мактаби» деб ном олган чигитни плёнка остига экиш тажрибаси пахта ҳосилдорлигини кўтариш, тола сифатини яхшилаш билан бирга, уни етиштириш муддатини ҳам 1-1,5 ойга тезлаштириб, деҳқоннинг оғирини енгил қилмоқда.

Ҳолбуки, ҳеч ким андижонликларга «Мана шу усулни синаб кўринглар», деб тепадан буйруқ ёки кўрсатма берган эмас. Бу сизларнинг ўз ташаббусингиз, меҳнатга ва ҳаётга янгича ёндашувингизнинг яна бир намоёнидир.

Мана шундай изланишлар туфайли 2002 йил якуни бўйича вилоятда ҳосилдорлик гектарига 35 центнердан ошгани, пахта экиладиган майдонлар қисқарганига қарамай, кейинги тўрт йилда 1 миллион 360 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштирилганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 27 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани ва бу кўрсаткични янада ошириш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани барчамизни мамнун этади.

Вилоят аҳли деҳқончилик соҳасида эришаётган ана шу ютуқларда «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлган таниқли ғаллакорлар Содиқжон Абдурасулов ва Отахон Аламатов, шунингдек, илғор пахтакорлар Асалхон Расулова, Одилжон Иномхўжаев, Ҳамидулло Қуббижонов ва Абдувоҳид Маҳмудов, пешқадам чорвадор Алижон Аҳмедов, моҳир пиллакорлар Зийнатхон Эрматова ва Мастурахон Мўминова сингари фидойи инсонларнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидламоқчиман ва уларга самимий миннатдорлигимизни билдирмоқчиман.

Ҳурматли юртдошлар!

Андижон вилоятининг бугунги ҳаёти, келажак истиқболи ҳақида гапирганда, мен доимо бир нарсага алоҳида эътибор қаратаман. У ҳам бўлса, вилоятнинг мамлакатимиздаги аҳоли энг зич яшайдиган ҳудуд эканидир.

Андижон вилояти юртимиз умумий майдонининг 1 фоизини эгаллагани ҳолда, бу ерда республика аҳолисининг қарийб 9 фоизи, яъни 2 миллион 200 минг киши истиқомат қилади.

Барчамизга аёнки, бу ҳолат ўз навбатида кўп-кўп ижтимоий масалаларни ечишни тақозо этади. Мана шундай мураккаб шароитни инобатга олган ҳолда, вилоятда қурилиш ва ободончилик, таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Буни вилоятдаги барча шаҳар ва туманларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, олис ва чекка қишлоқлар ҳам обод бўлиб бораётганида, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида амалга оширилаётган катта-катта ишлар мисолида кўриш мумкин.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асосий белгиси бўлган тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини олайлик.

Агар 1991 йилда вилоятда ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 71 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич бугунги кунда 90 фоиздан ошиб кетди. Табиий газ бўйича эса 26 фоиздан қарийб 70 фоизга ўсиш бўлгани бу соҳада жиддий натижага эришилганидан далолат беради.

Албатта, бундай марраларга ўз-ўзидан эришилмагани, бунинг замирида қанча-қанча одамларнинг меҳнати ва шижоати ётганини ҳаммамиз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Халқимиз, миллатимиз тақдири ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этишда ҳам андижонликларнинг бошқаларга ибрат бўлаётганини алоҳида эътироф этишимиз зарур.

Бугунги кунда вилоятда 3 та академик лицей, 54 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Айниқса, Андижон, Асака, Хонобод шаҳарлари ва Бўз туманида 9-синфни битирган ёшларнинг ана шундай замонавий ўқув масканларига тўлиқ жалб этилгани қувонарли ҳол.

Энг муҳими, бу касб-ҳунар коллежларини битирган ўғил-қизларимизни иш билан таъминлаш масаласи ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан биргаликда ҳал этилмоқда. Бу масала нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши англаймиз, албатта.

Ҳозирги вақтда жойларда бир қанча мактаб биноларининг талабга жавоб бермаслиги, уларни таъмирлаш, замонавий асосда жиҳозлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Андижон вилоятида бу борада яхши бир ташаббус бошлангани мени жуда қувонтирди.

Вилоятда жорий йилнинг ўзида ички имкониятларни ишга солиб, 43 та мактаб биноси тубдан қайта таъмирлангани, бунга тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ҳам сидқидилдан ҳисса қўшаётганини эшитиб, бундай савобли ишлардан беҳад хурсанд бўлдим.

Шулар қаторида, Шаҳрихон туманидаги «Ривож» фирмаси 350 ўринли, Олтинкўл туманидаги «Сувюлдуз» фермер хўжалиги 320 ўринли, булоқбошилик тадбиркор Абдужалил Шарипов 260 ўринли, Андижон туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалиги 240 ўринли янги ўқув бинолари қуриб бергани алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Бундай бағрикенг, ибратли фазилатлар, мардлик ва меҳрибонлик соҳиби бўлмиш инсонларга ўз ҳурматимизни билдириш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Мана шундай интилиш ва амалий ҳаракатлар, ўз навбатида, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг малака ва билим даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қўрғонтепалик ўқитувчи Муҳаммадали Турсуновнинг «Алифбе» китоби, булоқбошилик Махфират Абдуллаеванинг инглиз тили дарслиги, шаҳрихонлик Камолиддин Ғофуровнинг кимё фани бўйича ўқув қўлланмаси яратгани ҳам шуни исботлаб турибди.

Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз тарбиясига ҳаётини бағишлаган вилоятдаги барча фидойи ўқитувчилар, муҳтарам устоз-мураббийларга чуқур ва самимий ташаккурларимни айтишни ўз бурчим деб биламан.

Андижон вилоятида кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, вилоят бўйича 255 та қишлоқ врачлик пункти, оналар ва болалар саломатлигини сақлашга ихтисослашган замонавий муассасалар, шошилинч тиббий ёрдам марказлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, бугунги кунда Андижон шаҳри том маънода республикамиздаги йирик тиббий марказлардан бирига айланиб бораётгани эътиборлидир.

Бу ердаги тиббиёт институтида олиб борилаётган илмий изланиш ва тадқиқотларнинг халқаро миқёсда тан олинаётгани ҳам Андижон олимларининг юксак салоҳиятини кўрсатади.

Қадрли дўстлар!

Андижон вилояти қўлга киритаётган барча ютуқларда одамларнинг онгу тафаккурини, ҳаётга қарашини ўзгартиришга, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш ишига зиёлилар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Биз мана шу олижаноб мақсад йўлида астойдил хизмат қилаётган Сайфиддин Жалилов ва Зокиржон Машрабов, Дилшодахон Қурбонова ва Фатҳиддин Исоқов, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа ва Гулнора Бозорова каби ўнлаб маънавиятимиз фидойиларининг хизматларини қадрлаймиз ва юқори баҳолаймиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугунги кунда спортнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Лекин Андижон ҳақида гапирганда, спорт ҳақида тўхталмасдан иложи йўқ. Чунки вилоятда кейинги йилларда том маънодаги спорт мактаблари шаклланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятда барпо этилган янги спорт мажмуалари — Андижон шаҳрига беҳад ярашиб турган Олимпия заҳиралари коллежи, 20 минг ўринли «Соғлом авлод» стадиони ёшларимизнинг янги-янги ғалабаларга эришишида пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Шунингдек, бу йилнинг ўзида 61 та янги спорт иншооти қуриб битказилгани, 700 дан зиёд спорт зали ва майдончалари тубдан қайта таъмирлангани ҳам мана шунга хизмат қилади.

Андижон спорт мактабининг ёрқин намояндалари — олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпионлари Руслан Чагаев ва Ўткирбек Ҳайдаров, жаҳон кубоги ғолиблари Антонина Москалёва ва Татьяна Левина каби халқаро майдонларда Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариб келаётган моҳир спортчиларимиз билан бутун халқимиз ҳақли равишда фахрланади.

Айниқса, жаҳон спорти юлдузларига айланган боксчи ўғлонларимиз шарофати билан спорт оламида «Андижон бокс академияси» деган ибора пайдо бўлгани барчамизга мамнуният етказади.

Ана шундай спортчиларимиз изидан бориб, халқаро мусобақаларда дастлабки ютуқларни қўлга киритаётган Темур Шириев ва Муҳаммадумар Мадаминов, Ирина Мороз ва Вероника Қирғизбоева каби андижонлик ёшларимиз тимсолида биз юртимиз спортининг истиқболига ишонч ҳосил қиламиз.

Муҳтарам биродарлар!

Бизнинг кўҳна ва шонли тарихимиздан маълумки, улуғ Амир Темур бобомиз азму шижоат соҳиби бўлган, мард ва жасур, тадбирли инсонларни ҳамиша юксак қадрлаган, шундай одамларга суяниб-таяниб иш тутган.

Соҳибқирон ҳазратлари орзу қилган ана шу хислат ва фазилатлар бугунги кунда юртимизда, жумладан, Андижон элининг табиатида тобора кучайиб бормоқда, десам, ўйлайманки, ҳақ гапни айтган бўламан.

Бугун мана шу олий мукофотни Андижон вилоятига топширар эканман, она юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида сиз, андижонлик қадрдонларим эришаётган улкан ютуқлардан мен ҳам қувонаман, мана шу ишларда кўпчилик қатори менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам борлигидан кўнглим тоғдек кўтарилади.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий-руҳий қудратимиз рамзи бўлмиш соҳибқирон Амир Темур номи билан аталган шарафли мукофот барчангизга муборак бўлсин!

Андижон халқининг бахти ва омадини берсин, Андижон замини ҳамиша гуллаб-яшнасин!

---

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Вилоят деҳқонлари ер, сув, техника ва ўғитдан фойдаланиш, уруғчиликни яхшилашга жиддий эътибори туфайли пахта, ғалла етиштиришда улкан ютуқларга эришмоқда. Ғўзани плёнка остида парваришлаш усулига Юртбошимиз «Андижон технологияси» дея таъриф берган эди. Айни пайтда Андижонда ғалла уруғчилиги мактаби шаклланди. Вилоятда истиқлол йилларида ғалла ҳосилдорлиги уч баробарга ортиб, гектарига етмиш центнердан ошириб хирмон кўтарилмоқда.

Андижон нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноати ҳам жадал ривожланаётган вилоятдир. Ўзбек автомобилсозлиги шу вилоятда туғилди. Бугун ўзбекнинг «Нексия», «Матиз», «Дамас», «Ласетти», «Тико»си жаҳон автомобиль бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга.

Сўнгги йилларда вилоятда барпо этилган янги турар жойлар, маиший хизмат, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари ва истироҳат боғлари шаҳару қишлоқларга кўрк бериб турибди. Яна бир қувончли жиҳати — спортда ҳам «Андижон мактаби» шаклланди. Боксчилар — Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров ва Руслан Чагаев бутун Ўзбекистоннинг ифтихорига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан юртимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида вилоят аҳлининг мамлакатимиз тараққиёти ва салоҳиятини юксалтириш, барча тармоқларда ислоҳотларни изчил амалга ошириш йўлида фидойилик кўрсатаётгани, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан ишларини эътиборга олиб, Андижон вилояти Амир Темур ордени билан мукофотланган эди.

Шу йил 3 декабрь куни Андижон вилояти ҳокимлигида ана шу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Уни вилоят ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони Қ. Обидов очди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари вилоят аҳли эришаётган улкан ютуқларни, хусусан, автомобилсозлик, вилоят иқтисодиётига жалб этилаётган хориж инвестицияси, пахта ва ғаллачиликда қўлга киритилаётган тажрибаларини амалиётга янада кенгроқ жорий этиш масалаларига атрофлича тўхталди. Амир Темур ордени Андижон аҳлининг фидойилиги, омилкорлиги ва тантилигига берилган муносиб баҳодир, деди Юртбошимиз.

Президентимиз Ватанимизнинг юксак мукофотини Андижон вилояти ҳокимига топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Балиқчи туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги раиси А.Ҳожиев, қурилиш материаллари комбинати раҳбари А.Козлов, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Ҳ.Жўраева бундай юксак эътибори учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шу куни Президентимиз Андижон тиббиёт институти қошидаги академик лицейида бўлиб, у ерда ўқувчиларнинг билим олиши учун яратилган шароит билан танишди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**Саид ШУКУРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

**Д. ЮСУПОВ, Ш.ОЛИМОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

---

# ТАЯНЧИ

ҳамда овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ва шаҳар таркибидаги маҳаллаларда давлат ҳокимияти органлари эмас, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши белгиланган. Натижада маҳаллий ҳокимият органларининг кўп вақтлардан буён амалда бўлган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизими етакчилигига барҳам берилди. Давлат органи билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари асосли равишда бир-биридан ажратилди.

Бу эса мамлакатимизнинг тарихий давлатчилик анъаналарига хос ва мосдир. Масалан, Наршахийнинг X асрда битилган «Бухоро тарихи» асарида маҳаллалар оқсоқоллари халқ томонидан сайланиши кўрсатилган. Қўқон хонлиги даврида Фарғона водийсида, Тошкент шаҳрида ҳам маҳалла оқсоқоллари халқ томонидан сайланган ёки вазифасидан озод этилган.

Ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришга фуқароларни жалб этишда кўмаклашади, давлат ҳокимияти органларига, қонунларни, юқори давлат органларининг ҳужжатларини, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади. Натижада маҳаллалар, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш, маънавий-маърифий, спорт иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш, хайрия ишларини амалга ошириш ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа ишларни бажаришда ўзини ўзи бошқариш органлари катта имкониятларга эга бўлдилар. Масалан, Фарғона шаҳрида улкан, ҳашаматли «Маҳалла маркази»нинг бунёд этилиши, Қўқон, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, вилоятдаги, барча туманлардаги маҳаллаларда «Обод маҳалла йили» муносабати билан олиб борилган кенг кўламли ободонлаштириш ишлари фикримизнинг далилидир.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши ҳам муҳим. Маълумки, шўро давридан бизга кўплаб халқимиз табиати, анъаналарига, демократик тамойилларга зид қонунлар, бошқарув усуллари қатори қишлоқлар, маҳаллалар, кўчалар ва майдончаларга, турли иншоотларга коммунистик мафкура нуқтаи назаридан қўйилган номлар ҳам мерос бўлиб қолган эди. Ўтган йиллар давомида биргина Фарғона вилоятининг ўзида ўзини ўзи бошқариш органлари таклифлари билан минглаб жойлар ва иншоотлар номлари ўзгартирилди. Тарихий номлар қайта тикланди. Юзлаб жойлар, иншоотлар миллатимиз учун жон фидо қилган, тараққиётимизга улкан хизматлари сингган буюк ота-боболаримизнинг муборак исм-шарифлари билан аталди.

Албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллашиб бораверади. Бу тизим халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда шубҳасиз ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, келажакда юқори турувчи давлат ҳокимияти органи ваколатини қуйи турувчи давлат органларига, охир-оқибатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги тан олинган ҳақиқатдир.

Конституциямизнинг маҳаллий давлат ҳокимиятлари асослари белгилаб берилган (XXI бобда) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги 105-моддаси адолатли, демократик давлат қуриш мақсадини ўз олдига қўйган жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгаллади. Бош Қомусимиз нафақат халқимизнинг, балки жаҳон демократиясининг бой тарихий тажриба ва анъаналарини ўзида мужассамлаштирган. Халқимиз, давлатимиз иродасини тўлиқ ифодалайдиган, инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этадиган, унинг манфаатларини кўзлайдиган, қилаётган барча орзу-умидларимизни амалга оширадиган асосий омилдир.

**Маъруфжон УСМОНОВ,**
**Фарғона вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.**

